

УБАЙДУЛЛА УВАТОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 81 ЙИЛЛИГИГА

2021 йил 23 февралда таниқли ўзбек манбашуноси, исломшунос олим, тарих фанлари доктори Уватов Убайдулла Мурадович таваллудининг 81 йиллиги нишонланди.

Убайдулла Уватов 1940 йил 23 февраль куни Қашқадарё вилоятининг Ғузор тумани, Пачкамар кишлоғи, чорвадор оиласида таваллуд топди. 1964 йил Ўрта Осиё Давлат университетининг Шарқ факультети, араб филологияси бўлимини шарқшунос, араб филологияси мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан тамомлади. 1964 йилдан бошлаб Тошкент Давлат университетининг Шарқ факультетида педагогик фаолиятини олиб борган. Шунингдек, 1962-1963 йилларда Миср Араб Республикаси, 1966-1967 ва 1975-1978 йилларда Ироқ давлати, 1982-1985 йилларда Ливия Халқ Жамоҳириясида араб тили таржимони сифатида фаолият кўрсатган.

1967-1970-йиллар Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти аспиранти бўлган. Аспирантура босқичида У.Уватов машҳур араб тарихчиси Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур” асарининг қўлёзмаси устида ишлади, уни ўзбек тилига таржима қилиб илмий жамоатчилик ва кенг оммага етказди. Асарнинг насрий сажъ услубида ёзилгани, тилининг ўта мураккаблиги ҳамда ўз даври талаблари сабабли бу тадқиқот қийинчиликларга учради. 1974 йилнинг 12 апрелида Тошкентда “Ибн Арабшоҳнинг Ажойиб ал-Мақдур фи тарихи Таймур” (Темур тарихидаги тақдир ажойиботлари) асарининг таржимаси ва таҳлили” мавзусидаги номзодлик диссертацияси муваффақиятли ҳимоя қилинди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач ватанимиз тарихини тиклаш, уни ҳаққоний ёритишга кенг имкониятлар яратилди. У.Уватов узоқ йиллар нашр этилмаган “Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи” номли монографиясини 1992 йилда чоп этди.

Олим илмий соҳа билан биргаликда раҳбарлик лавозимларида ҳам самарали фаолият борди. У.Уватов 1991-1992 йиллар Ўзбекистон Республикаси Президенти девони бўлим мудири, 1992-1995 йиллар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси биринчи ўринбосари лавозимларида ҳам ишлаб, юртимизда аждоқлар шахсияти, тарихи ва илмий-маънавий меросини тиклаш масалаларида амалга оширилган ислохотларга ўз ҳиссасини қўшди.

У.Уватов 1995 йилдан илмий фаолиятга қайтиб, 2 йил давомида Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида етакчи илмий ходим сифатида тадқиқот олиб борди. 1997-1999 йилларда эса, Амир Темур сиймосини, унинг тарихини тиклашга доир тадқиқотлари давом эттириб, Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб, буюк бобомиз тарихини ўрганишга доир кўплаб тадқиқотларга бошчилик қилди.

1999-2000 йиллар Халқаро Олтин мерос хайрия жамғармаси раиси биринчи ўринбосари лавозимида фаолият олиб бориб, тарихшунослик ва манбашуносликка оид кўплаб тадқиқотларга ўз ҳиссасини қўшди.

У.Уватов 1999 йилдан ўз фаолиятини Тошкент ислом университети “Исломшунослик илмий тадқиқот маркази”, кейинчалик “Манбалар хазинаси” бўлимида олиб борган. Ушбу фаолият давомида ёш тадқиқотчиларга манбашунослик, исломшунослик илмларига доир билим ва кўникмаларини ўргатиш билан биргаликда Имом Бухорий, Муслим ва Абу Исо Термизийлар ҳаёти ва илмий меросини ўрганишга киришди. 2002 йилнинг 16 июнида Тошкент ислом университетида “Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожига тугган ўрни (Ал-Бухорий, Муслим, Ат-Термизий) мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

У.Уватовнинг ислом тарихи ва манбашунослиги, исломшунослик ихтисосликлари бўйича 7 нафар шогирди диссертация ишларини муваффақиятли ҳимоя қилган.

Убайдулла Уватов 15 га яқин монография ва китоблар, 300 дан ортиқ илмий-оммабоп мақолалар, пьесалар муаллифи ҳисобланади.

Юртимиз тарихи ва аждоқлар илмий меросини ўрганиш, уларни халқимиз ва кенг жамоатчиликка етказиш ҳамда ёш олимларни тарбиялаш ишларида қилган хизматлари муносиб тақдирланиб, 2017 йилда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони, 2020 йилда эса “Фидокорона хизматлари учун” ордени берилган.

УБАЙДУЛЛА УВАТОВНИНГ ЧОП ЭТИЛГАН ИЛМий ИШЛАРИ

1. Монография ва китоблари 1. Уватов У. Имом ал-Мотуридий ва унинг таълимоти. – Т.: Фан, 2000.
2. Икки буюк донишманд. – Т.: Шарқ, 2005.
3. Хоразмлик буюк аллома. – Т.: Шарқ, 2005.
4. Имом ал-Бухорий (араб тилидан таржима). – Т.: ТИУ, 2008.
5. Уватов У., Усмонов И. Ўрта Осиё муҳаддислари // Ўрта Осиё олимлари қомуси. – Т.: Фан, 2008. (Ҳаммуаллифликда)
6. Ҳадис илмининг султони. – Т.: Маънавият, 2009.
7. Буюк донишманд. – Т.: Маънавият, 2009.
8. Ўзбекистон – буюк алломалар юрти. 1-китоб / Тузувчи ва нашрга тайёрловчи У.Уватов. – Т.: Маънавият, 2010.
9. Маҳмуд Замахшарий. – Т.: Тафаккур, 2011.
10. Юртимиз алломалари тўплами (масъул муҳаррир ва тўпламдаги Абу Исо Муҳаммад Термизий, Абул Аббос Мустағфирий Насафий, Имом Бухорий номли мақолалар муаллифи У.Уватов). – Т.: Ниҳол, 2014.
11. Ҳазрат Имом ал-Бухорий. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015.
12. Икки улуғ донишманд: машҳур муҳаддис Абу Исо ат-Термизий ва улуғ мутафаккир Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ҳаёт йўли. – Т.: Гафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016.

13. Буюк юрт алломалари. – Т.: O'zbekiston, 2016.
14. Аш-Шамойл ал-Муҳаммадийя. (М.Кенжабек, У.Уватов ҳаммуаллифликда). – Т., 2017.
15. Убайдулла Уватов. Иброҳим Усмонов. Термизлик икки аллома. Абу Исо Муҳаммад Термизий, Ҳаким Термизий. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2017.
16. Абул Муин Насафий. Табсиратул адилла. 4 жилд. – Т.: Мовароуннаҳр, 2018.
17. Мотуридия таълимоти ва Абул Муин Насафий илмий мероси. У.Уватов, С.Оқилов, Э.Даминов. Масъул муҳаррир У.Алимов. – Т.: Мовароуннаҳр, 2018.
18. Абул Муин Насафий (Ҳаёти ва мероси). Уватов У, Сайфиев Ҳ. – Т.: Мовароуннаҳр, 2018.
19. Буюк юрт алломалари. Иккинчи нашр. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Илмий журнал ва тўпламларда нашр этилган мақолалари
 1. Аллома Тафтазоний Самарқандда. “Жаҳон адабиёти” журнали. – Тошкент. 2007. 10-сон.
 2. Сийрат ал-Имом ал-Бухорий. “Имом Бухорий сабоқлари” журнали. – Тошкент. 2008. 1-сон.
 3. Ҳадисларни ёдлашга эътибор ва бу борадаги эҳтиёткорлик. “Имом Бухорий сабоқлари” журнали. – Тошкент. 2008. 2-сон.
 4. “Сийрат Имом Бухорий” асаридан. Араб тилидан таржима. – Тошкент: 2008.
 5. Аллома Марвазий. “Имом Бухорий сабоқлари” журнали. – Тошкент. 2009. 1-сон
 6. Истиқлолнинг буюк неъмат. “Имом Бухорий сабоқлари” журнали. – Тошкент. 2009. 2-сон.
 7. Имом Бухорийнинг Бағдодда имтиҳон қилиниши. “Ҳуқуқ ва бурч” журнали. – Тошкент: 2009. 9-сон.
 8. Имом Бухорийнинг сийрат ва ахлоқларидан. “Имом Бухорий сабоқлари” журнали. – Тошкент: 2010. 2-сон.
 9. Ҳидоятга бошлаган аллома. “Имом Бухорий сабоқлари” журнали. – Тошкент: 2010. 1-сон.
 10. Мустақиллик ва Имом ал-Бухорий. “Имом Бухорий сабоқлари” журнали. – Тошкент: 2010. 3-сон.
 11. Буюк донишманд. “Жаҳон адабиёти” журнали. – Тошкент: 2010. 1-2-сонлар.
 12. Азизлар пешвоси. “Маънавий ҳаёт” журнали. – Тошкент: 2015. 2-сон.
 13. Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва илмий маънавий мероси. “Ҳуқуқ ва бурч” журнали. – Тошкент: 2015. 2-сон.
 14. Ҳадис илмининг султони. “Ҳуқуқ ва бурч” журнали. – Тошкент: 2015. 9-сон.
 15. “Улуғ салтанат” тарихий эпопеясига бир назар. “Тулистон” журнали. – Тошкент: 2016. 2-сон.
 16. Илм ва адаб – инсон зийнати. “Бобур ва дунё” журнали. – Тошкент: 2017. 2-сон.
 17. Ҳаж ҳақидаги таассуротлар. Ал-олам ал-исломий (Робитат ал-олам исломий ҳафтаномаси). – Макка: 2014.
 18. Ўзбекистон буюк алломалар юрти (рус, ўзбек, инглиз тилларида). «Тошкент – столица исламской культуры» тўплами. – Тошкент: 2007.
 19. Ал-Ломиший – буюк фақиҳ ва мутакаллим (ўзбек, рус, инглиз тилларида). «Марғилонга 2000 йил» тўплами. – Тошкент: 2007.
 20. Икки юртдан икки устоз // Ўзбекистон шарқшунослик мактаби. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2010.
 21. Соҳибқирон ҳақидаги янги манба. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2014 йил, 7 апрель.
 22. Буюк Темурбек тўғрисидаги ҳақиқат ХХI асрда аён бўлмоқда. “Moliyachi ma'lumotnomasi” журнали (рус ва ўзбек тилларида). – Тошкент. 2014.
 23. Аллома устозим. Илмга бағишланган умр рисоласи. Ноила Расулова – Асилова. – Т.: “Мумтоз сўз”, 2014.
 24. Соҳибқирон сиймоси Ибн Арабшоҳ талқинида. Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига бағишланган махсус тўлам. – Тошкент: 2016.
 25. Йирик шарқшунос – манбашунос. Дилором Юсупова 75 ёшда. Тузувчи: У. Уватов – Тошкент: 2016.
 26. Ал-Жомий ас-саҳиҳ” – Имом ат-Термизийнинг шох асари. “Термиз алломалари, мутафаккирлари мероси ва унинг халқимиз маънавиятини юксалтиришдаги ўрни” Республика илмий-назарий анжумани материаллари тўплами (2015 йил 4-5 декабрь). Сурхон нашр, 2016.
 27. Ўзбекистон буюк алломалар юрти. “Соҳибқирон юлдузи” журнали. – Тошкент: 2016. 2-сон.
 28. Насаф ва Кеш тарихи ёзма манбаларда. “Насаф ва Кеш ёзма манбалари” мавзuidaги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Қарши: 2010. 28 май.
 29. Ёшлар тарбиясида ўрта асрларда ўтган алломаларимиз меросининг аҳамияти. “Ёшлар маънавий камолотида буюк алломаларимиз меросининг ўрни” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. – Самарқанд: 2010. 9 июнь.
 30. Марказий Осиёда тарихий-маданий вилоятларнинг шаклланиши ва этник географияси муаммолари. Халқаро илмий анжуман тезислари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий университети нашриёти, 2018.
 31. Ҳазрати Шайх Сузук отанинг маърифий қарашлари. – Тошкент: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, 2019.
 32. Абул Муин Насафий баракоти. “Илми зиёси кўзларга тўтиё бўлган аллома” номи халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: “Muharrir” нашриёти, 2018.
 33. Том маънода фидойий инсон. “Абдулҳай Болтабаевич Абдуллаев – 70 ёшда” тўлам. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015.
 34. “Ажойиб ал-мақдур”даги тарихий маълумотлар ва уларни ўрганишга доир. “Амир Темур ва темурийлар даври ренессанси хорижий тадқиқотларда” мавзuidaги илмий анжуман тўплами. – Тошкент: «Akademnashr», 2016.
 35. Роль и место узбекских учёных в развитии исламской цивилизации. “Orta Asya'da islam” тўплами (рус, инглиз, турк тилларида). – Ankara, 2012.

З.Исломов,

Ислом зиёси журнали таҳририяти